

**КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ № \_\_\_\_\_**

\_\_\_\_\_ ш.

«\_» \_\_\_\_\_ 20\_ й.

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ (бундан буён «Банк» деб номланади) номидан ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Банкнинг \_\_\_\_\_ филиали **Бошқарувчиси Ф.И.Ш., бир томондан, ва фуқаро \_ (Ф.И.Ш. тўлиқ) \_ (Қарз олувчи), фуқаро \_ (Ф.И.Ш. тўлиқ) \_ (Биргаликда қарз олувчи), иккинчи томондан, (бундан буён «Қарз олувчи (-лар)» (лар) деб номланувчи (-лар))**” мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Банк Қарз олувчига мазкур Шартноманинг 2.1.-бандида кўрсатилган миқдорда ҳамда Шартномада кўрсатилган тартибда ва шартларда ипотека кредити (бундан кейин - кредит) ажратиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, Қарз олувчи эса Шартнома шартларига мувофиқ қарз ва ҳисобланган фоизларни тўлиқ миқдорда қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Ушбу Шартномада ишлатиладиган асосий тушунчалар:

**Аннуитет тўлов/Дифференциал тўлов** – Банк томонидан муайян даврда кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизлар ва асосий қарз суммасининг бир қисмини ўз ичига олган мазкур Шартнома бўйича қарздорликни сўндиришга йўналтирилган Қарз олувчининг навбатдаги ҳар қандай ойлик тўлови.

**Кредит ажратилган сана** – ссуда ҳисобварағидан кўчмас мулк объекти сотувчисининг ҳисоб рақамига пул маблағи ўтказилган сана.

**Кредит қарздорлиги** – Қарз олувчи томонидан ишлатилган, аммо сўндирилмаган ипотека кредитининг қолган қисми, ипотека кредитидан фойдаланганлик учун Қарз олувчига очилган тегишли ҳисоб рақамларда акс эттирилган ҳисобланган фоизлар, ушбу Шартнома шартларига мувофиқ Қарз олувчи томонидан Банкга тўлаши керак бўлган комиссия, пеня ва жарималар.

**Имтиёзли давр** – кредит бўйича асосий қарз тўловларини кейинга қолдириш учун берилган давр.

**Масофадан хизмат кўрсатиш каналлари** – маълумотларни узатиш усуллари, шу жумладан томонларнинг хабарномаларини бир-бирига юбориш, яъни: Интернет Банк, Му Alliance мобил иловаси, электрон почта, шахсий кабинет хизмати ёки телефон каналлари (шу жумладан СМС-хабарлар).

**2. КРЕДИТ БЕРИШ ШАРТЛАРИ**

2.1. **Кредит суммаси:** \_\_\_\_\_ (сумма рақам ва сўз билан) сўм.

2.2. Қарз олувчи Банкка кредитдан фойдаланганлик учун йиллик **\_ % ёки ЎзРес. МБнинг кредит шартномаси тузилган кунда амалда бўлган асосий ставкаси \_ % + \_ %** ҳисобидан фоиз тўлайди.

ЎзРес. Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси ўзгарган тақдирда, янги белгиланган қайта молиялаш ставкаси ЎзРес. Марказий банки томонидан эълон қилинган кундан бошлаб Банк томонидан кредит бўйича фоизларни ҳисоблашда қўлланила бошланади.

ЎзРес. Марказий банки томонидан белгиланган янги қайта молиялаш ставкаси ҳисобга олинган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилган кредитни қайтариш жадвалининг ўзгариши тўғрисида хабарнома, шунингдек янги Жадвалнинг ўзи қарз олувчига мавжуд

масофавий хизмат кўрсатиш каналлари орқали юборилади. Бунда, кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади. Қарз олувчи янги кредитни қайтариш жадвалини олиш учун кредит ажратилган Банк филиалига марожаат қилиши мумкин.

2.3. Қарз олувчи томонидан шакллантирилган бошланғич бадал миқдори \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўмни, бу сотиб олинган объект қийматининг \_\_\_\_% (фоиз)ини ташкил этади.

Бошланғич бадал суммаси \_\_\_\_\_ банкдаги \_\_\_\_\_ ҳисоб рақамда шакллантирилган.

2.4. Кредит \_\_\_\_\_ календарь ой муддатга тақдим этилади. Кредит фоизини ҳисоблаш кредит ажратилган кундан бошланади.

2.5. Имтиёзли давр – \_\_\_\_\_ календарь ой.

2.6. Кредитнинг мақсади: \_\_\_\_\_ манзилда жойлашган, \_\_\_\_\_ та хонадан иборат, \_\_\_\_\_ - каватда жойлашган, умумий майдони \_\_\_\_\_ кв.м бўлган \_\_\_\_\_ га (умумий/улушли мулк асосида) тегишли бўлган якка тартибдаги уй-жой/квартирани (бундан буён «Объект» деб юритилади) сотиб олиш.

2.7. Кредит бўйича фоизлар Банк томонидан мазкур кредит шартномасининг 2.2.- бандида белгиланган фоиз ставкаси бўйича йилига 365 кун ҳисобидан Кредит ажратилган кундан бошлаб тўлиқ сўндирилгунгача Қарз олувчининг кредит ҳисобварағида қайд этилган кредит суммасининг (асосий қарзнинг) ҳақиқий қолдиғи бўйича ҳар куни ҳисобланади.

2.8. Қарз олувчи томонидан кредитни қайтариш жадвалида назарда тутилган кредит бўйича асосий қарз белгиланган муддатда тўланмаса, банк муддати ўтган қарзнинг ҳақиқий қолдиғи бўйича фоизларни **1,5 бараварга** оширган ҳолда ҳисоблайди.

2.9. Кредит фоизлари ўз вақтида тўланмаган тақдирда ва улар бўйича муддати ўтган қарздорлик вужудга келганда Қарз олувчи Банкка ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган қарздорликнинг **0,15%** миқдорида, лекин жами муддати ўтган қарздорликнинг **50%**дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

### 3. КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

3.1. Кредит бериш муддати ушбу Шартноманинг 5.1. бандида назарда тутилган ҳужжатлар Қарз олувчи томонидан тақдим қилиниши шарти билан кредит Шартномаси имзоланган санадан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида амалга оширилади.

3.2. Кредит Қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан кредитнинг бутун суммаси ва бошланғич бадал суммасини бир вақтда Қарз олувчининг ёзма топшириқномаси асосида юқорида қайд қилинган муддатларда сотувчи (мулк эгасига)/қурувчининг ҳисоб рақамига пул кўчириш йўли орқали ажратилади. Пул кўчириш бўйича топшириқнома билан биргаликда Қарз олувчи Банкка якка тартибдаги уй-жой/кўп каватли уйдаги квартиранинг нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси ёки Инвестиция шартномаси нусхасини (Қарз олувчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатнинг асл нусхасидан Кредит бўлинмаси ходими нусха кўчиради) тақдим қилади.

3.3. Шартнома имзоланганидан сўнг Банк ушбу Шартномага асосан ажратиладиган кредит ҳисобини юритиш мақсадида Қарз олувчи номига ссуда ҳисоб рақами очади.

3.4. Шартноманинг 3.1. бандида белгиланган кредитни ажратиш муддати тугагунга қадар ушбу Шартноманинг 5.1. бандида назарда тутилган мажбуриятлар Қарз олувчи томонидан бажарилмаган тақдирда Банкнинг кредит ажратиш мажбурияти бекор қилинади ҳамда кредит ажратишнинг охириги санаси ҳисобланган куннинг кейинг кунидан мазкур Шартнома автоматик тарзда бекор қилинган ҳисобланади.

### 4. КРЕДИТ ВА ФОИЗЛАРНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Кредит асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизлар бўйича тўловлар ҳар ой Кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланган кредитни қайтариш жадвалига

(кредит шартномасига 1-сонли Илова) (кейинг ўринларда «Жадвал») асосан Дифференциал/аннуитет усулда амалга оширилади.

4.2. Қарз олувчи кредитдан фойдаланганлик учун фоиз тўловларни кредит ҳақиқатда ажратилган санадан бошлаб ҳар бир календарь ойнинг 20-санасидан кечиктирмаган ҳолда тўлайди.

4.3. Ойлик тўловларни тўлаш миқдори ва саналари (Кредит шартномаси тузилган санада аниқ бўлган (белгиланган) ва Жадвалда ҳисобга олинган байрам кунлари ҳамда дам олиш кунларига тўғри келган тўлов саналарини бошқа кунга ўтказган ҳолда тузилган) Жадвалда кўрсатилган.

Агар Кредит асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш санаси банк иш куни ҳисобланмаса, тўлов кейинги банк иш кунига ўтказилади. Агарда кредит қарздордик ва фоизларни тўлаш охириги санаси банк иш куни ҳисобланмаса, тўлов олдинги банк иш кунига ўтказилади.

4.4. Агар Қарз олувчи кредит бўйича асосий қарзни тўлаш санасига қадар кредит бўйича асосий қарзни тўламаса, Қарз олувчи муддати ўтган ссуда ҳисобварағида мавжуд қолдиққа асосан ҳар бир куни учун ушбу шартноманинг 2.9. бандига мувофиқ фоизларни тўлайди.

4.5. Қарз олувчидан қабул қилинган ёки Қарз олувчининг банкдаги ҳар қандай ҳисоб рақамларида мавжуд пул маблағлари ушбу Шартнома бўйича қарзни тўлаш учун қуйидаги тартиб ва кетма-кетликда йўналтирилади:

- асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;

- жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;

- неустойка (жарима ва пенялар);

- кредиторнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари.

4.6. Ушбу Шартнома шартларидан келиб чиқадиган кредит бўйича асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни сўндириш Қарз олувчининг аризаси, Банкнинг фармойиши ва/ёки Банк томонидан Қарз олувчининг банкда очилган махсус ҳисобварағидаги маблағларни мемориал ордер орқали мустақил равишда ҳисобдан чиқариш йўли билан амалга оширилади.

4.7. Асосий қарзни тўлаш ажратилган кредит ҳисоби юритиладиган ссуда ҳисоб рақамига ва ҳисобланган фоизлар тўлаш эса Ушбу шартнома доирасида кредит бўйича фоизлар ҳисоби юритиладиган ҳисоб рақамга амалга оширилади. Асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар тўлаганлик санаси деб маблағларнинг кўрсатилган ҳисоб рақамларга келиб тушган санаси/кун ҳисобланади.

4.8. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни сўндириш учун Қарз олувчи ушбу Шартномада кўзда тутилган миқдорда ва муддатда ўзи танлаган ва истаган шаклда, жумладан, ўз фаолияти натижалари бўйича олган даромадлари, пенсия ва бошқа даромадларни ўтказиб бериш ёки банк кассаларига нақд пул қилиш ва банкда очилган махсус ҳисоб рақамига пластик картадан тўлаб бериш йўли орқали етарликча пул маблағларни таъминлаши шарт.

4.9. Қарз қилинган маблағлар кредитни кейинги сўндириш санасига қадар Банкда очилган махсус ҳисобварақда ҳисобга олинади.

4.10. Қарз олувчига тўловларни сўндириш учун очилган махсус ҳисобварағига қарз қилган пул маблағлари тўлов Жадвалида белгиланган миқдоридан ортиқ бўлса, Банк фақат навбатдаги тўлов миқдорини ҳисобдан чиқаради, қолдиқ сумманинг ҳисоби ҳисобварақда юритилиши давом этади.

## **5. КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ**

5.1. Ушбу Шартномага асосан ажратилаётган Кредит қуйидагилар билан таъминланади:

5.1.1. Кредит ҳисобига сотиб олинадиган \_\_\_\_\_ манзилда жойлашган, \_\_\_ та хонадан иборат, \_ - қаватда жойлашган, умумий майдони \_\_\_\_\_ кв.м. бўлган якка тартибдаги уй-жой/квартиранинг, бундан кейин «Гаров предмети» деб аталувчи кўчмас мулкнинг гарови (ипотекаси) билан Банк ва Қарз олувчи томонидан имзоланган Гаров предмети қийматини келишиши далолатномасига биноан белгиланган \_\_\_\_\_ гаров қийматида. Гаров(ипотека)нинг аниқ шартлари тегишли гаров(ипотека) шартномаси билан белгиланади. Қарз олувчи Гаров предметини Банк томонидан маъқулланган суғурта компанияси орқали суғурта қилиш ва Кредит шартномаси амал қилишининг тўлиқ муддати давомида суғурта шартномасининг амалда бўлишини таъминлаш мажбуриятини олади. Шу билан бирга, суғурта мукофоти тўловларини транш орқали амалга оширилишига йўл қўйилади. Суғурта ҳодисаси юз берганда наф олувчи банк ҳисобланади.

Тегишли тарзда расмийлаштирилган:

- якка тартибдаги уй-жой/кўп қаватли уйдаги квартиранинг нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси ёки турар-жой(квартира)нинг биржа савдолари натижасида сотиб олинганлиги тўғрисидаги баённома – агар турар жой(квартира) биржа савдолари натижасида сотиб олинган бўлса. Банк ходими мазкур ҳужжатлардан нусха кўчиради;

- тегишли давлат органлари томонидан рўйхатдан ўтказилган сотиб олинган уй-жой ва ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (масъул Банк ходими томонидан ушбу ҳужжатлардан нусха олинади);

- юқоридаги мулкнинг нотариал тасдиқланган ва уни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ёзув туширилган ипотека шартномасининг асл нусхаси. Кўчмас мулк Инвестицион шартномага асосан сотиб олинаётган бўлса ипотека шартномаси банк томонидан мустақил равишда тасдиқланиши мумкин;

- Қарз олувчи Банк унга кредит ажратиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган ва нотариал идорага йўналтирилган турар-жой биносини/квартиранинг олди-сотди шартномаси бўйича тўловни кредит маблағлари ҳисобидан тўлаш тўғрисида қафолат хати тақдим қилинган кундан бошлаб ипотека предметининг суғурта шартномаси ва суғурта полисининг асл нусхасини 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай Банкка тақдим этиши лозим.

5.1.2. А) Қарз олувчига/(гаровга қўювчининг номи) тегишли \_\_\_\_\_ манзилда жойлашган, \_\_\_ та хонадан иборат, \_ - қаватда жойлашган, умумий майдони \_\_\_\_\_ кв.м. бўлган якка тартибдаги уй-жой/квартиранинг, бундан кейин «Гаров предмети» деб аталувчи кўчмас мулкнинг гарови (ипотекаси) билан Банк ва Қарз олувчи томонидан имзоланган Гаров предмети қийматини келишиши далолатномасига биноан \_\_\_\_\_ гаров қийматида. Гаров(ипотека)нинг аниқ шартлари тегишли гаров(ипотека) шартномаси билан белгиланади. Қарз олувчи Гаров предметини Банк томонидан маъқулланган суғурта компанияси орқали суғурта қилиш ва Кредит шартномаси амал қилишининг тўлиқ муддати давомида суғурта шартномасининг амалда бўлишини таъминлаш мажбуриятини олади. Шу билан бирга, суғурта мукофоти тўловларини транш орқали амалга оширилишига йўл қўйилади. Суғурта ҳодисаси юз берганда наф олувчи Банк ҳисобланади.

Тегишли тарзда расмийлаштирилган:

- юқоридаги мол-мулкнинг уни давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги белги қўйилган нотариал тасдиқланган гаров(ипотека) Шартноманинг асл нусхаси;

- Қарз олувчи Банк унга кредит ажратиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган ва нотариал идорага йўналтирилган инвестиция шартномаси бўйича тўловни кредит маблағлари ҳисобидан тўлаш тўғрисида қафолат хати тақдим қилинган кундан бошлаб ипотека предметининг суғурта шартномаси ва суғурта полисининг асл нусхасини 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай Банкка тақдим этиши лозим.

Б) Уй-жой қурилиши якунланиб кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган квартира Қарз олувчи номига расмийлаштирилганидан сўнг Қарз олувчи кредит ҳисобига сотиб олинган \_\_\_\_\_ манзилда жойлашган, умумий майдони \_\_ кв.м. бўлган квартирани, бундан кейин «Гаров предмети», Банк билан Гаров предмети қийматини келишиш далолатномасига биноан белгиланган қийматда гаровга тақдим қилади.

Қурилиш тугалланган ва фойдаланишга топширилган инвестиция объекти, унга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин 20 (йигирма) календарь кун ичида Банкка гаровга қўйилиши керак. Бунда, Қарз олувчи ваколатли давлат органига кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда муурожаат этиши лозим.

Гаров(ипотека)нинг аниқ шартлари тегишли гаров(ипотека) шартномаси билан белгиланади. Қарз олувчи Гаров предмети Банк томонидан маъқулланган суғурта компанияси орқали суғурта қилиш ва Кредит шартномаси амал қилишининг тўлиқ муддати давомида суғурта шартномасининг амалда бўлишини таъминлаш мажбуриятини олади. Шу билан бирга, суғурта мукофоти тўловларини транш орқали амалга оширилишига йўл қўйилади. Суғурта ҳодисаси юз берганда наф олувчи банк ҳисобланади.

Қарз олувчи томонидан Банкка белгиланган тартибда расмийлаштирилган уй-жой/квартиранинг олди-сотди шартномаси, суғурта шартномаси, суғурта полиси ва кредит маблағлари ҳисобидан сотиб олинган кўчмас мулк гаров(ипотека) шартномаси тақдим этилганидан сўнг Банк илгари гаров сифатида қабул қилинган кўчмас мулкни гаровдан чиқаради.

5.2. Қарз олувчи гаров таъминотини Кредит қарздорлигининг камида 125% миқдорида (Банкка алоқадор шахслар 130%) сақлаш мажбуриятини олади.

5.3. Мазкур кредит шартномаси шартларидан келиб чиқиб, Қарз олувчи кредитнинг асосий қарзи, фоизлари ва/ёки бошқа тўловларини Шартнома бўйича белгиланган санада амалга оширишга қодир бўлмайдиган вазият юзага келса, Банк Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ундирувни ушбу Шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган таъминотга истисносиз қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

5.4. Қарз олувчи ушбу Шартнома бўйича олган мажбуриятларини бажариши учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли ундирилиши мумкин бўлган барча мол-мулк, шунингдек кредит муассасаларидаги ҳисобварақлар ва омонатдаги барча пул маблағлари билан Қарз олувчининг ушбу Шартнома бўйича ҳақиқий қарзи миқдорида жавобгар ҳисобланади.

5.5. Келгусида ушбу Шартноманинг шартлари ўзгарган тақдирда (шу жумладан, кредит муддати, фоиз ставкалари, Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш шартлари ўзгариши), гаров ўз кучида қолади ва ушбу Шартнома ва унга қўшимча келишувлар бўйича барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди.

## **6. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **6.1. Қарз олувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

6.1.1. Кредитдан мазкур шартноманинг 2.6. бандида кўрсатилган мақсадда фойдаланиш;

6.1.2. Кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитнинг асосий принциплари: муддатлилик, қайтаришлик, мақсадлилик, тўловлилик ва таъминланганлик принципларига амал қилиш;

6.1.3. Ушбу Шартнома шартларидан келиб чиқадиган кредит бўйича асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш;

6.1.4. Мазкур Шартнома, Гаров шартномаси ва Суғурта шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш;

6.1.5. Суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда:

- бу ҳақда дарҳол Банк ва суғурта ташкилотини ёзма равишда хабардор қилиш;  
- Банк ва Қарз олувчи томонидан суғурта қопламасини олиш учун зарур бўлган суғурта шартномаларида ва суғурта қоидаларида назарда тутилган барча ҳаракатларни амалга ошириш;

- Банкнинг талабига биноан, суғурта қопламасини олиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни Банкка тақдим этиш;

6.1.6. Бошланғич бадал сифатида кирим қилинган пул маблағларининг ҳеч қандай таъқиқда бўлмаслигини таъминлаш ва кафолатлаш;

6.1.7. Кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган Шартнома шартларига Банк розилигисиз ўзгартириш киритмаслик;

6.1.8. Кредит шартномасида белгиланган шартларга асосан Кредит асосий қарзи, ҳисобланган фоизлар, пенялар ва бошқа тўловларни муддатидан олдин сўндириш тўғрисида Банкнинг ёзма талабномасида кўрсатилган муддатда сўндириш;

6.1.9. Қарз олувчи томонидан кредит мажбуриятлари бўйича якуний тўловларни қайтариш кунидан камида 3 (Уч) календарь кун олдин, Кредит шартномаси бўйича охириги тўловнинг ҳақиқий миқдорини аниқлаштириш учун Банк билан боғланиш;

6.1.10. Гаров предмети Банкнинг ёзма розилигисиз сотмаслик, ҳада қилмаслик, ўзаро айрибошламаслик, текин фойдаланиш учун топширмаслик, ижарага бермаслик, яқин қариндошлари ва учинчи шахсларни рўйхатдан ўтказмаслик ёки бошқа усул билан учинчи шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқлари билан алмаштирмаслик;

6.1.11. Олди-сотди шартномасини расмийлаштириш ва рўйхатга олиш, Суғурта шартномаси (полиси), Гаров(ипотека) шартномаси ва кредитлаш жараёни билан боғлиқ бошқа барча ҳаражатларни тўлаш;

6.1.12. Гаровга қўйилган мулкнинг суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти Банк томонидан тўланган ҳолларда, тўланган суғурта мукофоти миқдорини Банк талаб қилган кундан бошлаб 3 (уч) кундан кечиктирмай қоплаш;

6.1.13. Гаров предмети яхши ҳолатда сақлаш, уни сақлаш ҳаражатларини қоплаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан жорий ва капитал таъмирлаш, гаров предмети техник ҳолатининг ёмонлашувига йўл қўймаслик ва унинг қийматини пасаймаслиги учун тегишли чораларни кўриш;

6.1.14. Банкнинг ёзма розилигисиз гаров предметида ҳеч қандай қайта қуриш ишларини амалга оширмаслик. Гаров предметида қайта қуриш ишлари амалга оширилиши натижасида унинг қиймати, майдони ёки бошқа хусусиятлари ўзгарган тақдирда, Қарз олувчи амалга оширилган қайта қуриш ишлари бўйича тегишли ҳужжатларни 30 (ўттиз) календарь кун мобайнида Банкка тақдим қилиш;

6.1.15. Солиқлар, йиғимлар, коммунал хизматлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликка йўл қўймаслик, шунингдек кўчмас мулк бўйича келиб чиқадиган бошқа мажбуриятларни виждонан бажариш;

6.1.16. Банкнинг назорат функцияларини амалга ошириш мақсадида:

- Банк ходимларига ҳар қандай манбалардан фойдаланган ҳолда, шу жумладан ўзининг яшаш, ишлаш жойига ташриф буюриш орқали, кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни текшириш ва қайта текшириш имкониятини тақдим этиш;

- Қарз олувчининг жорий тўлов қобилиятини таҳлил қилиш мақсадида йилида бир марта Қарз олувчининг даромадларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш;

- Банкнинг талабига биноан кўчмас мулк бўйича солиқлар, йиғимлар, коммунал хизматлар ва бошқа тўловлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (квитанциялар), шунингдек кўчмас мулк объекти эгаларига юкланган бошқа мажбуриятларнинг бажарилишини тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш;

- ушбу Кредит шартномасига мувофиқ тузилган суғурта компанияси томонидан тасдиқланган гаров предметининг суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаларини ёки нусхаларини суғурта

полисининг амал қилиш муддати тугашидан олдин 5 (беш) календарь кун ичида банкка тақдим этиш. Қарз олувчи томонидан Банкка хужжатларнинг асл нусхаси тақдим қилинган тақдирда улардан нусха кўчирилади ва хужжатларнинг асл нусхаси Қарз олувчига қайтарилади;

- гаров предмети ҳолати ва сақлаш шароитларини, шунингдек унда доимий ёки вақтинча яшовчи шахсларнинг таркиби ва уларнинг яшаш учун асослари Банк томонидан текширилишига шароит яратиш ва тўсқинлик қилмаслик;

- гаров предмети бўйича банк томонидан талаб қилинадиган барча маълумотларни банк сўрови ёки талабномасида белгиланган муддатларда тақдим этиш;

- ушбу Шартнома доирасида тузилган мақсадли фойдаланиш, гаров предметини текшириш, кредитни мониторинг қилиш далолатномаларини ўз вақтида имзолаш;

6.1.17. Тегишли шартнома/хужжатларни мазкур шартноманинг 5.1. бандида назарда тутилган шартлар ва муддатларда тузиш/имзолаш/расмийлаштириш;

6.1.18. Гаров предметининг яроқсиз ҳолга келиши ёки унга эгалик ҳукуки йўқолганлиги тўғрисида Қарз олувчи томонидан тегишли маълумотга эга бўлган ёки тегишли воқеа содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай банкка ёзма равишда хабар бериш;

6.1.19. Куйидаги ҳолларда Банкнинг талабига биноан кредитни қайтариш кафолати сифатида қўшимча ёки бошқа таъминотни тақдим этиш:

- Қарз олувчининг молиявий аҳволининг ёмонлашиши;

- гаров предмет (лар) и ва / ёки унинг (уларнинг) қисмининг шикастланиши, қиймати пасайиши, қисман ёки тўлиқ йўқотиши;

- кредитни қайтармаслик хавфини оширадиган бошқа омилларнинг пайдо бўлиши.

6.1.20. Ундирувни гаров предметига қаратилган тақдирда, гаров предметини унда яшовчи бошқа барча шахслар билан биргаликда бўшатиш ва уни тарк этиш;

6.1.21. Банкнинг талабига биноан унга Банк томонидан қилинган барча харажатлар ва зарарларни қоплаш. Кредит бўйича қарзни мажбурий ва/ёки муддатидан олдин ундириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар билан боғлиқ (асосий қарз, фоизлар ва бошқа тўловлар) харажатлар ва зарарлар шулар жумласидан;

6.1.22. Кредит олиш учун тақдим қилинган хужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўзгарганлиги, шу жумладан паспорт маълумотлари, фамилияси, исми, отасининг исми, оила таркиби, оилавий аҳволи, доимий рўйхатда турган ёки ҳақиқатда яшаш жойи, иш жойи, уй, мобил ёки иш телефони ўзгарганлиги, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 35-моддаси қоидалари ва унинг гаров предметининг ҳукукий режимини ўрнатиш нуқтаи назаридан унинг мазмуни асосида никоҳ шартномасини тузилганлиги, ўзгарганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисида, шунингдек Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилишига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар юзага келганлиги тўғрисида бундай ўзгаришлар, ҳолатлар юзага келган санадан эътиборан 5 (беш) календарь кун мобайнида Банкни хабардор қилиш ва зарур ҳолларда Банк билан кредит хужжатларига қўшимча келишувларни имзолаш;

6.1.23. Кредит шартномасининг 6.5. бандида назарда тутилган ариза ва тасдиқномаларидаги ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида дархол Банкни хабардор қилиш;

6.1.24. Ушбу шартнома ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган Банкнинг ҳар қандай ҳуқуқларини амалга оширишда Банкка тўсқинлик қилмаслик;

6.1.25. Кредит шартномасининг шартлари бажарилмаслигига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар юзага келганлиги тўғрисида 5 (беш) иш куни ичида Банкни хабардор қилиш, шунингдек:

- Қарз олувчи тоифасига кирувчи ҳар қандай шахсга қўзғатилган жиноий иш, фуқарони қисман лаёқатли ёки муомалага лаёқатсиз деб тан олиш тўғрисидаги махсус ишлар, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш дафтарида хатоликлар тўғрисида;

- Қарз олувчи тоифасига кирувчи ҳар қандай шахсларга Кредит шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фуқаролик тартибида даъволар киритилганда;

- Қарз олувчи тоифасига кирувчи ҳар қандай шахсларга миқдори кредит шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишига шубҳа туғдирадиган пул суммасини тўлаш ёки мол-мулкни қайта тиклаш тўғрисидаги даъволар киритилганда;

6.1.26. Кредит шартномасида назарда тутилган кредит қарзи, ҳисобланган фоизлар ва бошқа тўловларни тўлиқ сўндирилгунга қадар, бировнинг мажбуриятлари бўйича кафил бўлганда, юридик ёки жисмоний шахсларга кредит ёки молиявий ёрдам шаклида маблағ ажратганда, бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга оширганда, бу ҳақда банкка ёзма равишда хабар бериш.

6.1.27. Қарз олувчининг 30 (ўттиз) кундан ортиқ вақт давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлмаслиги ёки 30 (ўттиз) кундан ортиқ амал қиладиган бошқа ҳолатлар юзага келиши натижасида Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги тўғрисида Банкни олдиндан ёзма равишда хабардор қилиш.

## **6.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:**

6.2.1. Ушбу Шартномада назарда тутилган миқдорда, муддатда ва шартларда кредит ажратилишини талаб қилиш.

6.2.2. Банк томонидан мазкур Шартномага асосан кредит ажратиш мажбуриятини бажариш муддатидан олдин кредит олишдан тўлиқ ёки қисман бош тортиш.

6.2.3. Мазкур Шартноманинг 4.5-бандида белгиланган устуворлик асосида кредит ва фоизларни тўла ёки қисман муддатидан олдин тўлаш. Кредитни муддатидан олдин сўндириш Қарз олувчи тоифасига кирувчи ҳар қандай шахслар аризасига асосан Қарз олувчи томонидан амалга оширилади.

Кредит қисман муддатидан олдин қайтарилган тақдирда, фоизларни тўлаш бўйича ҳар ойлик тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг муддатидан аввал қисман сўндириш амалга оширилган даврдан бошлаб янги суммада ҳисобланади ва янги суммаси Шартномада белгиланган муддатларда сўндирилиши лозим бўлади.

6.3. Қарз олувчи ушбу Шартнома бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга Банкнинг ёзма розилигисиз беришга ҳақли эмас.

6.4. Ушбу билан Қарз олувчи Банкка ушбу Шартнома шартларидан келиб чиқадиган кредит бўйича асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни тўлаш муддати келганда, Қарз олувчининг банкдаги ҳар қандай ҳисобварағидан, шунингдек Қарз олувчининг бошқа банклардаги ҳисобварақларидан маблағларни акцептсиз, истисносиз ва чақириб олинмайдиган ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини тақдим қилади.

## **6.5. Қарз олувчи Банкка қуйидагиларни маълум қилади ва тасдиқлайди:**

6.5.1. Қарз олувчи томонидан Банкка тақдим этилган барча маълумотлар ҳар жиҳатдан тўғри, тўлиқ ва аниқдир. Аниқланган тақдирда Банкнинг кредит ажратишга оид қарор қабул қилишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар Қарз олувчи томонидан яширилмаган.

6.5.2. Қарз олувчи Қарз олувчининг Кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳеч қандай шартнома ёки битимга алоқадор эмас ёки бошқа йўл билан боғлиқ эмас. Бу ҳақда банк олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолатлар бундан мустасно.

## **7. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **7.1. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

7.1.1. Қарз олувчи томонидан кредит ажратиш учун барча зарур шартлар бажарилгандан сўнг, ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кредит ажратиш.

7.1.2. Мазкур кредит шартномасида назарда тутилган мақсадлар учун пул маблағларини ссуда ҳисобварағидан Қарз олувчи томонидан тақдим қилинган ёзма топшириқномага асосан бир кун ичида кўчириш.

7.1.3. Кредит ажратишни рад этиш, кредитни муддатидан олдин ундириш сабаблари тўғрисида Қарз олувчига ёзма равишда хабар бериш.

7.1.4. Қарз олувчи ёки учинчи шахс томонидан Кредит шартномаси бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ҳажмда бажарилиши муносабати билан ушбу Шартнома бекор қилинган тақдирда гаров предметидан таъқиқни бекор қилиш бўйича зарур чораларни кўриш.

7.1.5. Амалдаги қонунчилик доирасида Қарз олувчи томонидан амалга оширилган операциялар тўғрисида махфийликни сақлаш.

## **7.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

7.2.1. Кредит суммаси Қарз олувчи томонидан Кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтарилмаслигини аниқ кўрсатадиган ҳолатлар мавжуд бўлганда Кредит ажратишдан бош тортиш.

7.2.2. Кредит ажратиш жараёнида Қарз олувчининг молиявий ҳолатини, кредитдан мақсадли фойдаланилишини, гаровнинг мавжудлигини, ҳолатини, кредитнинг қайтарилиши таъминланганлигини текшириш.

7.2.3. Ушбу Шартнома шартларидан келиб чиқадиган кредит бўйича асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни тўлаш муддати келганда, Банк Қарз олувчининг банкдаги исталган ҳисобварақларидан маблағларни акцептсиз, истисносиз ва чақириб олинмайдиган ҳисобдан чиқариш. Шунингдек, ҳисобварақда пул мавжуд бўлмаганда мазкур Шартнома шартларидан келиб чиқадиган асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни тўлаш учун бошқа банклардаги пул маблағларини акцептсиз, истисносиз ва чақириб олинмайдиган ҳисобдан чиқариш ваколатига эга.

7.2.4. Қарз олувчидан Гаров предметини сақлаш учун зарур чоралар кўришни талаб қилиш.

7.2.5. Кредитни қайтариш жадвалига биноан Қарз олувчига кейинги тўлов муддати тўғрисида олдиндан хабар бериш.

7.2.6. Қуйидаги ҳолларда:

- Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бузилганда ва/ёки бажарилмаганда ва/ёки тегишли тарзда бажарилмаганда;

- Қарз олувчи/гаровга қўювчи – учинчи шахс томонидан Гаров Шартномаси бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бузилганда ва/ёки бажарилмаганда ва/ёки тегишли тарзда бажарилмаганда;

- Қарз олувчи/гаровга қўювчи – учинчи шахс томонидан суғурта бўйича исталган мажбуриятлар бузилганда;

- Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашганда;

- Қарз олувчининг ҳар қандай мол-мулкига нисбатан тақиқ солинганда ва/ёки ундирувни қаратилганда, Қарз олувчининг ҳар қандай банк ҳисобварақларига банд солинганда ёки операциялар тўхтатилганда;

- Гаров предмети (предметлари) ва/ёки унинг (уларнинг) бир қисми нобуд бўлганда, нархи пасайганда, қисман ёки тўлиқ йўқотилганда;

- Қарз олувчининг банк назоратидан қочиши ва / ёки Қарз олувчи томонидан Банкка нотўғри ёки ёлғон маълумот ва / ёки ҳужжатларни тақдим этган камида битта ҳолатни аниқланганда;

- Банк томонидан кредитдан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, ушбу Шартномада белгиланган муддатда кредитдан мақсадли фойдаланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилмаганда;

- Қарз олувчи томонидан олди-сотди шартномасида назарда тутилган шартларда уй-жой/квартирани сотиб олиш нияти йўқлигини аниқ кўрсатадиган ҳаракатларни бажарганда;

- мазкур Шартнома бўйича ҳар қандай ойлик тўловлар бўйича 30 (ўттиз) календарь кундан ортиқ муддати ўтган қарздорлиги бўлганда;

- кечиктирилган тўлов миқдоридан қатъий назар, 12 (Ўн икки) ой давомида ойлик тўловлар бўйича уч мартадан ортиқ кечиктириб тўлашга йўл қўйилган тақдирда;

- Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида" ги Қонунида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, шу жумладан қарз олувчи томонидан уй-жой/квартирадан фойдаланиш қоидалари бузилганда, ундан бошқа мақсадларда фойдаланилганда, унинг эскириш қиймати одатдагидан кўра кўпроқ пасайганда; Қарз олувчи томонидан уй-жой/квартирани сақлаш ва таъмирлаш, унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни қоплаш қоидалари бузилганда; Қарз олувчи томонидан Гаровни предмети сақлаш чораларини кўриш мажбурияти бузилган тақдирда; гаров предмети йўқолиши ёки бузилиши хавфи тўғрисида Банкни хабардор қилмаган тақдирда; Банкнинг розилигисиз уй-жойни/квартирани бегоналаштириш ёки бошқа тасарруфга берилган тақдирда; гаров предмети тўлиқ ёки қисман йўқолган ёки бузилган тақдирда (шу жумладан, Қарз олувчининг Квартирага бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган тақдирда); Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ёки ушбу Шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда;

- агар Қарз олувчи, Банк билан олдиндан ёзма равишда келишилмаган ҳолда, кўчмас мулкни олди-сотди шартномасига/Инвестицион шартномага бирон-бир ўзгартириш киритган бўлса, бу кредитдан мақсадсиз фойдаланишга, умумий майдони, манзили, кўчмас мулк қийматининг ўзгаришига олиб келганда;

- суғурта шартномалари бўйича суғурта ҳодисаси содир бўлганда;

- Қарз олувчининг Банк томонидан унга ажратилган бошқа кредитларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажармаганда;

- кредитни қайтармаслик хавфини оширадиган ҳар қандай омиллар пайдо бўлганда.

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ушбу Шартнома шартларидан келиб чиқадиган кредит бўйича асосий қарз, фоизлар ва/ёки бошқа тўловларни сўндиришга Қарз олувчининг банкдаги исталган ҳисобварақларидан, уларда пул маблағлари бўлмаганда бошқа банклардаги ҳисобварақларидан маблағларни акцептсиз ва истисносиз ҳисобдан чиқариш, Банк ва чақириб олинмайдиган ҳисобдан чиқариш;

- янги кредитлар ажратишни тўхтатиш;

- ушбу Шартномани муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиш ва / ёки кредитни муддатидан олдин ундириш, шу жумладан ундирувни гаров предмети ва/ёки гаров предмети билан бир қисмига қаратиш.

Банк томонидан Кредит шартномаси бўйича қарздорликни муддатидан олдин ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Қарз олувчига талабнома юборилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кун ичида Кредит шартномаси бўйича кредит суммаси ва бошқа тўловларни муддатидан олдин қайтариш тўғрисида талабнома юбориш.

Қарз олувчиларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси томонидан қабул қилинган Кредитни муддатидан олдин сўндириш тўғрисида талабнома барча Қарз олувчилар томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

Ундирув гаров Предмети қаратилган тақдирда Банкнинг талаби ушбу талаб ҳақиқатда қондирилган кундаги Қарз олувчининг кредит асосий қарзи, унга ҳисобланган фоизлар, жарималар ва Кредит шартномасида назарда тутилган бошқа тўловлар, шунингдек Банк томонидан ундирув, баҳолаш ва Гаров предмети сотиш жараёнида қилинган харажатлар, суд харажатлари, Қарз олувчи ва бошқа Гаров предмети жойлашган манзилда яшовчи шахсларни кўчириш билан боғлиқ харажатлар миқдорида қоплаш.

Гаров предмети сотишдан тушадиган тушум суммаси Банк талабини қондириш учун етарли бўлмаса, Банк етмаган суммани умумий асосларда Қарз олувчининг бошқа мол-мулки ҳисобидан қоплаш.

7.2.7. Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаси/инвестиция шартномасининг бекор қилиниши муносабати билан Сотувчи томонидан Қарз олувчининг ҳисобварағига қайтарилган маблағлар Банк томонидан кредит қарздорлигини сўндириш учун мустақил равишда юбориш.

7.2.8. Қарз олувчи кредит ажратиш муддати давомида кредитдан фойдаланмаса, ушбу Шартномани қарз олувчига бу ҳақда ёзма хабарнома юбориш орқали бекор қилиш.

7.2.9. Кредит бўйича муддати ўтган қарз юзага келган кундан бошлаб, Қарз олувчига (шу жумладан масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали) Кредит шартномаси бўйича муддати ўтган қарз борлиги тўғрисида хабарнома юбориш.

7.2.10. Қарз олувчи томонидан кредитни муддатидан олдин тўлиқ сўндириш тўғрисидаги талабномада кўрсатилган муддати ўтган қарздорлик тўланган тақдирда, Банк Қарз олувчига қарздорликни муддатидан олдин тўлиқ сўндириш тўғрисидаги талабни бекор қилиш тўғрисида хат юбориш орқали чақириб олиш ҳуқуқига эга.

7.3. Банк ўз ихтиёри билан ушбу Шартномада кўрсатилган ҳар қандай ҳуқуқ/талабларни қўллаши ёки қўлламаслиги мумкин. Ушбу ҳуқуқлар/талабларнинг қўлланилмаслиги ёки қисман қўлланилиши ушбу ҳуқуқлардан/талаблардан воз кечишни англамайди ва улар ушбу Шартнома муддати давомида исталган вақтда қўлланилиши мумкин.

## **8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

8.1. Кредит шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8.2. Ушбу Шартномадан келиб чиқадиган барча ҳуқуқлар, мажбуриятлар, шунингдек мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун Қарз олувчилар биргаликда жавобгар ҳисобланади.

8.3. Банк томонидан суғурта мукофоти тўланган (Кредит шартномасининг 6.1.12. банди) кунда уни қоплашга доир Кредит шартномасининг 6.1.16. бандида назарда тутилган Қарз олувчи томонидан гаров предметини суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаган тақдирда Қарз олувчи тўланмаган суғурта мукофотининг 0,1 фоизи миқдорда, аммо тўланмаган суғурта мукофотининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

8.4. Қарз олувчи томонидан кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда, Банк Қарз олувчидан мақсадсиз фойдаланилган кредит миқдорини дарҳол тўлашни талаб қилишга ва мақсадсиз фойдаланилган кредит миқдорининг 25% миқдорда жарима ундиришга ҳақлидир. Жарима тўлаш Қарз олувчини ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8.5. Банк юқоридаги исталган таъсир чораларидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бир ёки бир нечта чоралардан фойдаланиш Банкнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бошқа чораларни кўришдан бош тортишини англамайди.

## **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

9.1. Ушбу шартнома томонлар томонидан имзоланган кундан эътиборан кучга киради ҳамда Банк ва Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича ўз зиммасига олинган барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

9.2. Кредит шартномасини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар кредит шартномасининг ажралмас қисми бўлган қўшимча келишув билан расмийлаштирилади. Кредит шартномасининг 2.2. бандига биноан тўлов жадвалининг ўзгариши бундан мустасно.

9.3. Низолар юзага келган тақдирда банк ёзишмалари ушбу Шартнома бўйича иккала томон мажбуриятларининг энг устун далили ҳисобланади.

9.4. Тарафларнинг бир-бирларига талабномалари (хабарномалар, хатлар ва бошқа ҳужжатлар), агар улар ёзма шаклда тайёрланган бўлса, Қарз олувчи/Банк томонидан имзоланган ва ушбу Шартномада кўрсатилган Қарз олувчи/Банкнинг манзилларига буюртмали почта жўнатмаси билан юборилган ёки Қарз олувчи/Банк томонидан етказиб берилган бўлса, имзо чектирилиб қўлга топширилган бўлса ёхуд Масофадан хизмат кўрсатиш каналлари ёки факс орқали юборилган бўлса, тегишлича юборилган деб ҳисобланади.

9.5. Хабарнома почта бўлинмаси томонидан почта квитанциясида қўйилган санадан, хабарномада кўрсатилган курьер томонидан хабарнома олинган санадан (курьер томонидан етказилган тақдирда) ёки факсимил алоқа ёрдамида юборилган санадан ёки хабарнома Масофали хизмат кўрсатиш каналлари бўйича юборилган санадан юборилган деб ҳисобланади. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар юзага келганда иккала томон Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилади.

9.6. Ушбу Шартномадан келиб чиқадиган ёки у билан боғлиқ, шу жумладан, уни тузиш, ўзгартириш, ижро этиш, бузиш, бекор қилиш, тўхтатиш ва ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган барча низолар, келишмовчиликлар ва даъволар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судида ҳал қилинади.

9.7. Ушбу Шартнома билан Қарз олувчи кредит тарихини шакллантириш учун, Банк томонидан Кредит ахбороти давлат реестри, Кредит бюроси, Гаров реестри Давлат унитар корхонасига ушбу Шартноманинг тузилиш шартлари, тақдим этилган таъминот ва мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этилишига розилигини билдиради.

9.8. Томонларнинг ушбу Шартнома билан тартибга солинмаган муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

9.9. Ушбу Шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

## **10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

<i><b>Банк</b></i>	<i><b>Қарз олувчи</b></i>	<i><b>Биргаликда қарз олувчи</b></i>
--------------------	---------------------------	--------------------------------------

### ***Изоҳ:***

- 1. Кредит шартномасининг 5.1.1. банди Олди-сотди шартномаси бўйича кўчмас мулк объектини сотиб олишга кредит ажратилганда фойдаланилади.*
- 2. Кредит шартномасининг 5.1.2. банди Инвестиция шартномаси бўйича кўчмас мулк объектини сотиб олишга кредит ажратилганда фойдаланилади.*